

## **Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1135-ҳадис**

1135 - عَنْ عَلَيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصْلِي قَبْلَ الْعَصْرِ أَرْبَعَ كَعَاتٍ، يُفْصِلُ بَيْنَهُنَّ بِالتَّسْلِيمِ عَلَى الْمَلَائِكَةِ الْمُقَرَّبِينَ وَمَنْ تَبِعَهُمْ مِنَ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُؤْمِنِينَ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسْنٌ [429].

1135. Али ибн Абу Талиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам асрдан олдин тўрт ракат намоз ўқирдилар. Уларнинг орасини муқарраб фаришталар ва уларга тобе бўлган мўмин-мусулмонларга салом бериш билан ажратардилар».

Ином Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис, дедилар.

Шарҳ: «Орасини салом билан ажратиш», деганда икки ракатдан ўқиши тушунилади.

Бу ҳадисда келтирилган аср фарзидан олдин ўқиладиган тўрт ракатли намоз таъкидланмаган суннатларданdir.

Асрнинг суннати тўғрисида шуни айтишимиз мумкинки, бу суннат машхур суннат эмас, таъкидланган суннат эмас. Шунинг учун уламоларимиз бу суннатни «маҳбуб нарса - мандуб нарса» деб атайдилар, намозни баён қилиш вактидаги таъкидланган суннатлар қаторига қўшган эмаслар. Бошқа намозларнинг, масалан, бомдоднинг икки ракат суннати, пешиннинг фарздан олдинги тўрт ракат, фарздан кейинги икки ракат суннати, шомнинг фарзидан кейинги икки ракат суннати, шунингдек, хуфтонники ҳам, булар «суннати муаккада» яъни «таъкидланган суннатлар» дейилади. Уларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо ўқиб юрганлар ва сизу биз умматларига ўқиши тавсия қилганлар. Асрдан аввал ўқиладиган тўрт ракат суннатнинг эса ҳалиги айтганимиздек бунчалик таъкиди йўқ. Шунинг учун буни уламоларимиз «мандуб намоз - маҳбуб намоз» дейишган. Хоҳлаган кимса ўқиса, яхши бўлади, ўқимаганларга ҳеч қандай маломат йўқ, ҳеч

қандай нуқсонга йўл қўймаган бўладилар. Валлоҳу аълам.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

